

 Sahifani PDF tarzda yuklab olish (69 Kb)  Versiyasi  Sahifani doc tarzda yuklab olish (69 KB)

«2014 йилда ғўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»

Лойиха

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 августдаги «2014 йилда ғўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2223-сонли қарори ҳақида

Ўзани сифатли дефолиация қилиш, пахта ҳосилини эрта муддатларда йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёрлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 августдаги «2014 йилда ғўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2223-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган 2014 йилда дефолиация қилинадиган ғўза майдонлари ва унинг мақбул муддатлари тўғрисидаги таклифи 1-иловага мувофиқ қабул қилинганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси дефолиациянинг сифатли ўтказилиши, энг аввало дефолиантларни ишлатиш муддатлари ва белгиланган нормаларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси бир ҳафта муддатда, асосли буюртманомаларга биноан, тижорат банкларига фермер хўжаликлари учун ғўза дефолиациясини ўтказишга зарур кредит маблағларини, кейинчалик улардан дефолиантлар харид қилиш ҳамда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва «САР» авиакомпанияси хизматларига ҳақ тўлаш учун фойдаланиш мақсадида, белгиланган тартибда ажратиб бериш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов), «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ (Низаматдинов) ва туманлар ҳокимликлари ғўзанинг экилган муддатлари, нави ва унинг етилиш даврини, жойлардаги об-ҳаво-иқлим шароитларини, кўсак очилиши суръатини ҳисобга олган ҳолда, туманлар ва фермер хўжаликлари бўйича ғўзани дефолиация қилиш майдонлари ва муддатлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

-Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири (Хожаметов), «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ (Низаматдинов) ва туманлар ҳокимлари зиммаларига ғўза майдонларини белгиланган муддатларда сифатли дефолиация қилиниши ва дефолиантларни ишлатиш нормалари ҳамда тавсияларига қатъий риоя этилишида шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов) туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

-беш кун муддатда дефолиацияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини мувофиқлаштирувчи республика ишчи эксперт комиссиясини ташкил қилиш, уларнинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,

«Қорақалпоқпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон «Сифат» марказининг Қорақалпоғистон ҳудудий лабораторияси ва «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари мутахасссларини киритган ҳолда, уларнинг зиммасига ғўзани дефолиация қилиш комплекс чора-тадбирларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан жойларда мунтазам назоратни амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар юклатилсин;

-ғўзани дефолиация қилиш ишлари ўтказилиши устидан қатъий ва доимий назоратни таъминласин ҳамда агротехника тадбирларини ўтказиш борасида белгиланган муддатлар ва нормаларига риоя этишни таъминламаётган мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқ шахсий жавобгарлик чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов), «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ (Низаматдинов), «Қорақалпоқ МТПлар» бирлашмаси (Самандаров) ва туманлар ҳокимликлари 2014 йил 25 августигача;

-фермер хўжаликлари бўйича дефолиация ўтказиш майдонларини аниқласинлар ва ҳар бир туман бўйича дефолиантлар билан таъминлашни ҳамда уларни алоҳида ажратилган жойларда тайёрлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратишни назарда тутган ҳолда, дефолиацияни мақбул муддатларда ташкил этиш ва сифатли ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар. Ғўза дефолиация қилинадиган майдонларни аниқлашда уруғлик чигит майдонлари ҳисобга олинмасин;

-дефолиацияни олиб боришда ерда юрадиган техникдан максимал фойдаланишни таъминлашни назарда тутган ҳолда ерда бажариладиган усуллар билан ўтказиш учун техник воситалар ва аппаратларни тайёрланишини тугалласинлар;

-майдончаларни тахт қилиб қўйсинлар ва уларда дефолиантлар эритмасини тайёрлаш учун зарур идишлар ва бошқа техник воситалар мавжуд бўлишини таъминласинлар.

6. «Тахиятош нефт базаси» унитар корхонаси (Ильсов), «Эллиққалъа нефт базаси» унитар корхонаси (Раззақов) ёнилғи-мойлаш материалларининг зарур захирасини яратсин ҳамда ғўзани дефолиация қилиш даврида пуркагичларнинг бетўхтов ишлаши учун ёнилғи-мойлаш материалларини белгиланган тартибда узлуксиз етказиб берилишини ташкил этсин.

7. Давлат санитария эпидемиология назорат маркази (Қутлимуратов), «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ (Низаматдинов) туманлар ҳокимлари билан биргаликда дефолиация ишларига қатнашадиган барча ишчиларга кунига икки маҳал сут, қаттиқ маҳсулотларини бериш топширилсин.

8. Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси (Алланиязов), Агробанк (Ешанов), «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ (Низаматдинов) дефолиация ишларида қатнашадиган механизаторлар ва ишчиларнинг иш-ҳақиларини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминласинлар.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Нукус ш.,
2014 йил, 19 август
№225

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2014
йил «19» августдаги
225-сонли қарорига
илова

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2014 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш муддатлари

№	Туманлар номи	Дефолиация қилинадиган майдон, гектар	Дефолиация ўтказиш муддатлари		
			бошланиши	яқунланиши	давомийлиги, кун
1.	Тўрткўл	10000	2-сентябр	11-сентябр	10
2.	Беруний	10000	2-сентябр	11-сентябр	10
3.	Элликқалъа	10000	2-сентябр	11-сентябр	10
4.	Амударё	15230	2-сентябр	11-сентябр	10
5.	Хўжайли	6200	2-сентябр	11-сентябр	10
6.	Шўманой	3850	2-сентябр	11-сентябр	10
7.	Қонлиқўл	2950	2-сентябр	11-сентябр	10
8.	Кўнғирот	2600	3-сентябр	11-сентябр	10
9.	Нукус	1350	2-сентябр	11-сентябр	10
10.	Кегейли	4900	2-сентябр	11-сентябр	10
11.	Чимбой	3710	2-сентябр	11-сентябр	10
12.	Қораўзак	2660	2-сентябр	11-сентябр	10
13.	Тахтақўпир	2550	2-сентябр	11-сентябр	10
Жами		=SUM(ABOVE) 76000	2-сентябр	11-сентябр	10

Кўриб чиқилди:



[Vazirlar Kengashi](#) [Statistik va
tahliliy ma'lumotlar](#)
[Vazirliklar va idoralar](#) [Shahar](#)

va tuman hokimliklari

Hujjatlar Respublika

mehmonlariga Elektron

hukumat Interaktiv davlat

xizmatlar